

ХАВАР

شېبەر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 27 март № 12 (292) ● Сотувда нархи эркин

НАЗОРАТ НАТИЖАЛАРИ

Почта хизмати муттасил ҳаракатда бўлишни талаб қиладиган соҳадир. Чунки газетхон, журналхон бўлмаган, хат-хабар, нафақа кутмаган оилани топиш қийин. Шундай экан, почта хизмати ҳам зиммадаги масъулиятга яраша ташкил этилмоғи лозим. Ана шунда турли шикоятларга ўрин қолмайди.

Биз ўтган йили «Сурхондарё почтаси» ҳиссасдорлик жамияти фаолияти бўйича 32 та текширув ўтказдик. Бу текширувлар давомида почта хизмати сифати, Давлат тили ҳақидаги қонунга амал қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кузатишди. Шу билан бирга меҳнат-кашлардан тушган ариза ва муножаатлар ўрганилди. Мухими шундаки, аҳоли талабини қондиришга тармоқда катта эътибор берилмоқда. Бу ҳақда «Сурхондарё почтаси» ҳиссасдорлик жамиятининг буйруғи чиқарилган. Барча почта алоқа бўлимларида қабул кунлари кўринarli жойга ёзиб қўйилди. Пешлаҳалар, почта хизмати турлари, муҳр ёзувлари лотин алифбосида битилган.

Булар яхши, аммо вилоят марказидан туман, шаҳар почта алоқа бўлимларида қундалик матбуот нашрларини, хат-хабарларни ўз вақтида етказиш ҳамон изга тушмапти. Қанчалик талаб қилмайлик, бу ишни 1996 йили ҳафта мوبайндаги уч мартадан ошира олмадик. 1997 йилнинг биринчи ярмида ҳам бу борада ўзгариш қилинмади. Аслида почта алмашуви графиги ҳафтада беш марта бўлиши керак.

Кўзланган мақсадга эришмоқ учун биз ҳам почта раҳбарлари ёнига боришдан чарчамдик. Уларнинг йиғилишларида қатнашиб, ўз хулосаларимизни билдирдик. Айримларида иқтисодий жарима қўлладик. Агар 1996 йили 6 нафар раҳбар маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 1997 йили бу чора 10 нафар раҳбарга нисбатан қўлланди. Шунга қарамадан почта ходимлари фаолиятида сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Ваҳоланки, «Ўзбекистон почтаси» концернининг (ҳозирги «Ўзбекистон почтаси» ДАК) 1994 йил 4 июндаги 83-қа-


рориди почта алмашувини ҳафтада 5 мартага етказиш қўзда тутилган эди. Бу қарор бежиз қабул қилинмади.

Бир мисол. Ўтган йили тўртинчи чоракда вилоят марказидан почта алмашувлари 7 марта бузилди. Бундан ташқари, Сарисийё, Музрабод, Бандихон, Қумқўрғон, ҳатто Термиз шаҳрида хат-хабарлар назорат муддатидан кейин саралаш бўлимига келган. Биз бу камчиликларни ўз вақтида кўрсатдик. Ниҳоят, 1998 йилдан эътиборан 7 та туман билан ҳафтада 5 мартаба почта алмашуви йўлга қўйилди. Хатларнинг ўтиши эса 11 та почта бўлимларидан назорат муддатига келган. Бундан Бойсун, Учқизил, Сарисийё почта алоқа бўлимлари мустаснодир.

Маълумки, почта қутилари мижоз билан почтачиларни ўзаро боғлайдиган муҳим воситадир. Бироқ, кейинги вақтда мавжуд қутилар йиғиб олинган эди. Фақат 1996-1997 йилларда қутилар жойига қўйилди. Бунда «Сурхондарё почтаси» ҳиссасдорлик жамиятининг 1997 йилдаги 50-қарори асос бўлди. Биз яна бир етилган муаммони тезроқ қилишга интилямпиз. Бу қимматли почта жўнатмаларини хавф-хатарсиз манзилга етказиш учун почта кузатувчилари фаолиятини ташкил этиш масаласидир. Шу мақсадда «Сурхондарё почтаси» ҳиссасдорлик жамияти вилоят ички ишлар бошқармаси билан шартнома тузадиган бўлди. Уйлаймизки, бу муаммо ҳам тез орада ўз ечимини топади.

Хуллас, назоратимиз натижалари аҳолига намунали почта хизмати кўрсатиши ишга хизмат қилмоқда.

Жумагул МУРОДОВА,
Сурхондарё вилояти
алоқа назорати бошлиғи



Ромитан тумани электралоқа боғламасининг электромантўри Акмал ШАРИПОВ касбига меҳр қўйган ёшлардан.

У АТС аппаратлари ишини назорат қилмоқда.

Суратқаш Т.ЛУТФУЛЛАЕВ

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига қарашли фан-техника ва маркетинг тадқиқотлар маркази фаолияти тобора кенгайиб бормоқда. Ушбу илмий марказ мутахассисларининг самарали изланишлари электр энергияси бой манбаларини тадқиқ этиш учун ҳам кенг йўл

очи берди.

Республикамиз худудида қуёш ва шамол энергиясини ўрганиш ва шу асосда янги, мукамал қурилмалар намуналарини яратиш истиқболлари юзага келмоқда.

Бундай изланишлар телекоммуникация тармоғини қуёш-шамол манбалари ёрдамида

электр билан таъминланиш имконини беради. Ана шу соҳада самарали натижаларга эришиш мақсадида марказ қатор илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг энергетика ва автоматика институти билан ҳам шартнома тузилди.

А. АЛИЕВ

Тошкент электротехника Алоқа институтида «Талабалар баҳори-98» кўрик-танлов бўлиб ўтди. Бу кўрик-танлов ҳар йили Наврўз байрами арафасида ўтказилиб, унда институтнинг 6 та факультети иштирок этади. Танловни ўтказишдан асосий мақсад — ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари, бой мероси ҳамда анъаналарини кўрганиш ва энг

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛДИ

яхши ижрочи талабаларни танлаб олиш эди. Ҳар бир факультет ўз дастурлари билан танловга пухта тайёрларлик кўрганлиги билиниб турди.

«Талабалар баҳори-98» кўрик-танловда голиб чиққан телекоммуникация узатиш ти-

зимлари, телекоммуникация узатиш ҳамда радиоэшиштириш ва телевидение факультетлари институт раҳбарияти томонидан ажратилган пул мукофотлари топширилди. Бундан ташқари, энг яхши ижрочи, энг яхши ўйинчи ҳамда энг яхши миниатюра ижрочилари ҳам қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

О. РИХСИМБОЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП? - Янецликлар - Воқеалар - Хабарлар

● **Матбуотда** «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

● **Ўзбекистон теннис федерацияси** ҳамда республика теннисни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маъмурияти «Теннис+» ҳафтаси маъмурияти чоп этила бошланди.

● **Ўзбекистон Фанлар Академияси** қимматли институти директори Зокридан Салимов Санкт-Петербургда экология ва ҳаёт

фаолияти хавфсизлиги халқаро фанлар академияси хайати қарорига мувофиқ М. Ломоносов номидаги медал билан тақдирланди. Олим бу мукофотга санъатдаги газ чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларни тозалаб, улардан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиққани учун сазовор бўлди.

● **Россия Президентини Б. Ёлчинов** фармони билан Бош вазир В. Черномырдин Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А. Чубайс, Ич-

ки ишлар вазири А. Куликов истративага чиқарилади. Президентнинг бундай кескин қарори мамлакат сийасатчилари ва жамоатчилиги учун қутилмаган воқеа бўлди.

● Қоҳирода мамлакатимизнинг Миср Араб Республикасидаги элчихонаси ташаббуси билан Наврўз байрамига бағишланган катта тадбир бўлиб ўтди. Унда Миср хукумати билан, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижлик дип-

ломатлар, маҳаллий ишбилармонлар, санъаткорлар, талабалар, Қоҳирода истиқомат қилувчи ватандошларимиз иштирок этишди.

● **Хитой** яқинда Жанубий-Шарқий Осиёда юз берган молиявий танглик оқибатларини бартараф этиш мақсадида Индонезия ва Таиландга бир миллиард АҚШ доллари миқдорда молиявий ёрдам кўрсатди.

● **Ироқни** қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссияси Ри-

чард Батлер раҳбарлигида Богдодда ўз фаолиятини бошлади. Маълумки, Ироқ атрафида вужудга келган кескинлик туфайли комиссия фаолияти тўхтаб қолган эди. Комиссия раҳбари Р. Батлер Ироқ БМТ инспекторлари билан ҳамкорлик қилмоқда, деб баёнот берди.

● **Канада** ташқи ишлар вазири Ллойд Эксуриси Кубага нисбатан иқтисодий қамал бекор қилиниши керак, деб айтди. У мазкур мамлакат билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш лозимлигини таъкидлади.

Ушбу мавзу ҳақида гап бошладан аввал лизинг ўзи нима деган саволга жавоб бермоғимиз лозим бўлади.

Лизинг махсус турдаги молиявий харажат бўлиб, ишлаб чиқариш қурилмаларини сотиб олиб, уларни аввал ижарага бериш, кейин мулк сифатида ижарачига қолдириш хизматидир. Лизинг операцияси махсус лизинг компанияси ёрдамида амалга оширилади.

Лизинг дастлаб алоқа тармоғида қўлланилган. 1877 йили Америка Қўшма Штатларининг Bell компанияси телефон аппаратларини сотмай, ижарага беришга қарор қилди. Лекин биринчи лизинг компанияси — United States Leasing 1952 йили Сан-Франциско шаҳрида ташкил топди. Шундан буён дунёдаги лизинг операцияларининг ҳажми йилдан йилга ортиб келмоқда. Мутахассисларнинг аниқлашича, 90-йилларнинг биринчи ярмида дунёдаги сармояларнинг (инвестицияларнинг) АҚШда 27 фоизи, Буюк Британияда 20,2 фоизи лизинг операцияларига тўғри келди.

Лизинг бўйича ишни ташкил қилиш жараёни асосан қуйидагича бўлиши мумкин:

— маълум бир сотувчидан, ижарага олувчининг (лизинг олувчининг) махсус кўрсатмасига биноан, ижарага берувчи (лизинг берувчи) бирор аниқ мулк сотиб олади;

— лизинг берувчи сотиб олинган мулкни лизинг олувчига маълум вақтга ижарага беради, яъни кейинги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун топширади;

— баъзи ҳолларда вақти тулагандан кейин ижарадаги мулк лизинг олувчи ихтиёрида қолдирилиши мумкин ёки яна лизинг берувчига қайтарилиши мумкин; қайси ҳолат-

ни танлаш лизинг берувчи ва олувчилар ўртасидаги шартномага боғлиқ;

— лизинг шартномаси ер ва табиий бойликлардан ташқари истаган турдаги қурилма ва асбоб-ускуналар бўйича имзолашни мумкин.

Демак, лизинг операцияларида энг камида учта томон — лизинг берувчи, лизинг олувчи

далолатномаларига асосан топширилади. Булардан ташқари, лизинг берувчи компания маълум молия ташкилотлари, сугурта компаниялари ҳамда юрнни етказиш бўйича транспорт корхоналари билан қўшимча шартномалари бўлса, уларнинг харажатлари ҳам ишлаб чиқариш қурилмасининг таннархига қўшилиши мумкин. Шунинг

рувчининг мулк ҳисобланиб, унинг ўзи мулк солигини тўлайди ва шунинг учун лизинг олувчининг мулк солиғи анча камаяди;

— лизинг олувчининг фойдадан тўлайдиган солиқ миқдори камаяди, чунки лизинг тўловлари харажат ҳисобланиб, махсуслот таннархига қўшилади.

Юртимиздаги барча турдаги алоқа корхоналари ҳам дунё миқёсида кундан-кун кенг қўлланилаётган лизингдан кенг фойдаланишлари мумкин. Аммо лизинг шартномасини тузишдан олдин корхона раҳбарлари пухта ошириб, керакли мутахассислар билан маслаҳатлашишлари лозим. Давлатимизда лизинг операцияларини амалга оширувчи компаниялар қаторида Ўзбекистон-Малайзия қўшма лизинг компанияси «Ўзбеки-лизинг Интернейшнл» (Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй, тел: 45-55-56) ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган, масалан, «Ўзбеки-лизинг Интернейшнл» лизинг компанияси билан иш олиб боришинг яна бир қўлай томони — чет эл ишлаб чиқариш қурилмалари учун тўловлар масаласидир, яъни лизинг компанияси ишлаб чиқариш қурилмалари учун эркин валюта тўласа, лизинг олувчи эса фақатгина сўм тўлайди.

Келтирилган мулоҳазаларга асосан шунини айтиш мумкин, алоқа тармоғида лизингнинг қўллаш албатта ўзининг ижобий самарасини беради.

Х. СОАТОВ,
Агентлик бозор
ислохотлари ва қимматли
қоғозлар бўлими
бошлиғи, техника фанлари
номзоди

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА — ЛИЗИНГ

ва ишлаб чиқариш қурилмасини тайёрловчи корхона қатнашиши лозим. Шунинг учун шартнома битта бўлмай, балки бир неча бўлиб, қуйидаги тартибда имзоланиши мумкин:

— лизинг олишни тасдиқлаш шартномаси;

— ишлаб чиқариш қурилмаларини сотиб олиш шартномаси;

— лизинг шартномаси.

Лизинг олишни тасдиқлаш шартномаси буюртмачи (лизинг олувчи) ва бажарувчи (лизинг берувчи) ўртасида имзоланади. Буюртмачи бажарувчига керакли маълум қурилма сотиб олиш учун талабнома топшириши билан бирга лизинг олиш мажбуриятларини шартнома асосида тасдиқлайди.

Талабномага асосан бажарувчи — лизинг компанияси ишлаб чиқарувчи корхона билан шартнома тузади ва унда қурилмани лизингга топширишни кўрсатади. Лизинг шартлари имзоланадиган лизинг шартномасида кўрсатилади ва у лизинг олувчи ишлаб чиқариш қурилмаларини олгандан кейин кунга қиради. Ишлаб чиқариш қурилмалари ўзаро имзоланадиган топшириш-қабул қилиш

учун лизинг ҳам, инвестицион кредит шартномаси ҳам ижара шартномаси билан умумий қўринишларга эга. Айни вақтда уларга нисбатан қуйидаги афзалликларга ҳам эга:

биринчидан — лизинг бўйича топширилаётган қурилма сармоядорнинг мулки бўлиб, молиявий харажат камадга мувофиқ ишлатилиши таъминланади;

иккинчидан — лизинг олувчи ўзи мустақил равишда ишлаб чиқариш қурилмалари билан таъминловчи корхонани танлабгина қолмай, унга ўз эҳтиёжига қараб, қўшимча тақлифлар киритиши ва ниҳоят уларни қабул қилиш жараёнида ҳам қатнашиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, лизинг олувчи (ижарачи) сотиб олинаётган мулкка маълум вақтдан кейин ҳуқуқий эгаллик қилишидан ташқари, ишлаб чиқариш қурилмаси бўйича масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу ҳиҳатдан лизинг оддий ижарадан тубдан фарқ қилади.

Лизинг олувчи маълум вақт баъзи иқтисодий афзалликларга ҳам эга бўлади, жумладан:

— қиймати тўлангунча ишлаб чиқариш қурилмаси лизинг бе-

• Тўйхат

ЭЛА АЗИЗ



Узини юрт хизматига қамарбаста қилган инсонлар ардоқланади, иззат-эҳтиромга сазовор бўлади. Маҳмуджон Собиров Хоразмининг ана шундай фидойи фарзандларидан бири. Унинг отаси ҳам, онаси ҳам ўқитувчи эди. Шу боис оилада яхши тарбия топди. Урта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ меҳнат қилишни ўрганди. Қарий икки йил Янгиарик туманининг аҳолига маъшият хизмат кўрсатиш корхонасида радио, телевизорлари тўзатуви устага шогирд тушди. Худди ана шу кезларда алоқачилик касбига илоҳ қўйди.

У 1964 йили ўрта мактабни битирган, Тошкент электротехника Алоқа институтига ўқишга кирди. Қўп қанчали электралоқа факультетида таълим олиб алоқа муҳандиси мутахассислигини эгаллади. Узи туғилиб ўсган Хонка тумани алоқа боғламасида 1971 йилдан 1976 йилгача катта электромеханик вазифасида хизмат қилди. Ташкилотчилиги, ташаббускорлиги билан эл назарига тушди. Мазкур боғламда бош муҳандис, бир неча йил бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлади. Сўнгра боғлама бошлиғи вазифасига тайинланди. 1987 йили Маҳмуджон Собиров халқ депутатлари Хонка шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг раиси этиб сайланди. Ана шу вазифада у кўпгина хайрли ишларни амалга оширди.

У 1991 йили яна туман электралоқа боғламасига бошлиқ қилиб тайинланди. 1992-1995 йиллар давомида эса Хонка шаҳарчаси фуқаролари йиғинига раислик қилди. Маҳмуджон Собировга 1995 йилнинг октябрида катта ишони билдирилди — у Хоразм вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи вазифасига тайинланди. Шу-шу Маҳмуджон Хоразм вилояти алоқачиларининг сарбони. Зиммасига юқланган катта масъулият Маҳмуджонни сидқидилдан, астойдил ишлашга ундади. Ешулли қобилияти, тадбиркор раҳбар эканлигини кўрсатди.

Маҳмуджон Хонка тумани алоқа боғламасига раҳбарлик қилган йилларда миҳозларнинг қўнғилиғи автомат тарзда шаҳарлараро телефон тармоқларига чиқиш имкониятларига эга бўлишга эди. Вилоятда эса унинг раҳбарлигида бир қатор янги, хайрли ишлар қилинди. Жумладан, Урганч шаҳрида етти минг рақамли, Хива шаҳрида икки минг рақамли кабель линия тармоқлари ишга туширилди.

Шу қўнларда вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларида телефон станцияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, телефон нўхталари сонини бир неча баравар қўлайтириш, мажмуҳ телефон станцияларини замонавий телефон станцияларига алмаштириш, хорижий фирмалар билан ҳамкорлик ўрнатиш, ходимлар малакасини ошириш бора-сида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли тадбирларни рўёбга чиқаришда Маҳмуджон Собировнинг ўзи бевосита бошқорди.

Ўз касбининг малкали мутахассиси, моҳир алоқачи ва тажрибали раҳбар Маҳмуджон Собиров 50 йилга тўлди. Азиз ҳамкасбимизни ҳаётининг эллигини баҳори билан самимий муборакбод этамиз, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз!

Хоразм вилояти
давлат
электралоқа ишлаб
чиқариш корхонаси
ЖАМОАСИ

ИСТИҚБОЛЛИ ДЕБ ТОПИЛДИ


Тошкент электротехника Алоқа институтида олиб борилётган тадқиқотлар шиша толали алоқа йўллари юзага келтириш учун ҳам мустаҳкам илмий негиз яратиб бермоқда. Олий ўқув юртининг Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидаги ўқув ишлаб чиқариш хўжалигида қудратли электр иншоотининг бунёд этилиши шу ҳудудда қуёш ва шамол тизимидан унумли фойдаланиш имконини берди. Мазкур иншоотдан фойдаланишда юқори кучланишли шамол генератори қўл келди. Шунингдек, аккумулятор батареялари ҳам яхши иш кўрсатмоқда. Олимларнинг бу самарали изланишларига Ўзбекистон ва Россия патентлари берилди.

Ушбу минтақавий ҳудудда шиша толали алоқа йўлидан фойдаланиш бўйича ҳам махсус макет яратилди. Шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланиш батареяли аккумуляторлар талаб қиландиган сизимни деярли икки баравар қамайтиради.

Шу сабабли ҳам институт ўқув ишлаб чиқариш хўжалигида амалга оширилаётган алоқа техникаси янгиликлари истиқболли деб топилди.

А. АКБАРОВ

— **Телефончи ҳамкасбларим доимо ширинсухан, хушмуомала бўлишларини хоҳлайман, — дейди биз билан суҳбатда «Сирдарё телеком» ХЖнинг Гулистон шаҳар бўлими «09» хизмати телефоници Сайфулла Давлатов олган сурат**



«TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I»

очик турдаги акциядорлик жамияти электралоқа соҳаси бўйича мутахассисларни танлов асосида филиал директори (телефон алоқа тармоғи бошлиғи) вакант лавозимга таклиф этади.

НОМЗОДЛАРДАН ҚУЙИДАГИЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ:

- алоқа соҳаси бўйича олий маълумот;
- алоқа соҳасидаги иш стажини 10 йилдан кам бўлмаслиги;
- шулардан 5 йил раҳбар лавозимда ишлаган бўлиши;
- алоқа корхоналаридаги молиявий ва ҳисобчилик фаолияти билан боғлиқ масалаларни мукамал билиши;
- охириг иш жойидан тавсиянома.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:

Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.

«TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I»

ОТАЖИНОТ ҳудудлар бўлими.

Маълумот учун телефон: 54-17-53

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Сурхондарё почтаси» ҳиссасдорлик жамияти жамият бош ҳисобчиси **Хуррам САЛОМОВ**ни туғилган куни билан самимий табриклайди.

Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, алоқа соҳасидаги ишларида муваффақият тилайди.

ЭЪЛОН

«Хабар» газетасига малакали машинкачи керак.
Мурожаат учун телефонлар: 144-29-09, 136-36-42, 136-35-29

Қаердаки бирон-бир яхши, ибратли гап эшитсам, мазмунли китоб ёки мақола ўқисам, бу ҳақда оила даврасида болаларимга гапириб бераман, зора китоб ўқишни у қадрар хушламай қўйган зурёдлар тарбияли, имон-этиқоиди бутун, инсофли одам бўлса дейман-да.

Бир кун и уйда радиони тинглаб ўтириб ишлаётгандим (телевизорни кам кўраман — ишга ҳалақат беради), андижонлик таниқли шоира опа-миз Турсуной Содиқованинг астойдил, эхтирос билан гапираётганини эшитиб қолдим. Бир дақиқа қаламни четга қўйиб, радионинг овозини сал кўтардим.

Т. Содиқованинг сўхбатини биринчи бор эшитишим эмасди. Дикқатга сазовар жойи шундаки, опа нима ҳақда гапирмасин, дарров тингловчи-

ўтирмади...) беҳиз эмас, ҳаммаси ниятга боғлиқ экан.

Дарҳақиқат, инсоннинг нияти, яхши, юксак ва улугвор бўлмоғи лозим. Бу фикрнинг тўғрилигига ҳаётдан яна истоганча мисол келтириш мумкин.

Айтишларича, Америка президенти Клинтондан ўқувчилик даврида катта бўлганингда ким бўлишни истайсан деб сўрашганда у иккиланмай, президент бўламан деб жавоб берган экан.

Ҳазилкаш шоир дўстимиз Мирпўлат Мирзо ҳамиша нималарнидир ўзича режалаб, орзу қилиб юрар, гап орасида «Менга ишонмаяписизлар-а, мана кўрасизлар, шу кетишда жaxonга чиқиб кетаманов!» дея ҳазиллашар, биз бу гапларга қилиб қўя қолар эдик. Буни қарангки, Мирпўлат юртбошимиз фармони билан ташкил

•Турмуш чорраҳаларида

УМИДЛИ ДУНЁ

ни ўзига жалб қилиб олади. Сабаби — айрим насихатчилар каби ҳаммага маълум, юзаки, сийқа гапларни баён қилмайди. Аксинча, тилга олинаётган мавзуга астойдил, самимий, куйиб-пишиб муносабат билдиради, ўзи ҳам гапга чечан, овози ширали бўлгани учун сўхбатлари ҳамиша мазмунли, қизиқарли чиқади.

Опа бу гал ният, орзу ҳақида гапирдилар. Мени ҳайратлантиргани яна шу бўлдики, маънавият марказининг бўлим мудири бўлмиш Турсуной опа масалани фақат маънавият жиҳатидангина эмас, балки фан, яъни биология нуктаи назаридан ҳам талқин қилишга уриндилар.

Маълум бўлишича, одамзод мен, албатта фалон касб эгаси бўламан, фалон нарсага эришаман дея яхши орзу ният қилганда, бу фикр кулоқ орқали мияга, ундан юракка, қалбга, бутун вужудга етмиш икки томир орқали тарқалиб, ёйиларкан ва бу нарса кишига битмас-туганмас куч-қудрат бахш этаркан, шу боис аксарият ҳолларда инсоннинг яхши нияти ижобат бўларкан. Бу ҳақда опа мисол қилиб келтирган ҳаётий воқеалар дарҳақиқат кишини жиддий ўйлантириб қўяди. Расида қизларнинг дил изҳорлари, шаҳарлик қизнинг қишлоққа, катта ҳовлили, ўнта фарзандли оилага келин бўлиб, беш-олтита сигир соғишни орзу қилиши ва йиллар ўтгач, бу эзгу тилакнинг ушалиши, негадир болакайлارни ёмон кўрадиган дугонасининг эса оила курғач, бир умр тирноққа зор бўлиб ўтиши (изҳори дил борасида опа ўзини ҳам «аяб»

этилган «Жаҳон адабиёти» журнаliga бош муҳаррир ўринбосари бўлди. Дўстимизнинг бошқа қўллаб эзгу тилаклари ҳам ижобат бўлганига гувоҳимиз. Демак, яхши ният қилавериш керак экан-да.

«Орзуга айб йўқ», «Умидли дунё», «Ноумид шайтон», «Чиқмаган жондан умид», «Бўрини йўқласанг қулоғи кўринади», «Яхши ният — ярим давлат», «Ҳар кимнинг нияти — ўз йўлдоши» каби пурмаъно халқ мақоллари беҳиз яратилмаган.

Ниятни улугвор қилиш лозимлигини ота-боболаримиз, буюк мутафаккирларимиз ҳам қайта-қайта уқтирганлар. Ҳазрат Навоий «Умидим шулки, умидингга етқил» дея лутф қилганлар.

Эсимда, отам ҳар гал дастурхонга дуо қилганларида, «Оллоҳ кенг феъл, кетмас давлат берсин!» дея ният қилдилар. Назаримда, оддийгина шу бир калимада катта оиланинг бир дунё орзу истаги мужассам эди.

Фаришталар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам омин дер экан. Қишлоғимизда бадбин, баттол, ҳамиша одамларга, айниқса кўни-қўшиларга қаттиқ озор бериб юрадиган бир дилозор кимса бор эди. Бизор бўлган одамлар унинг исмига «жинни» сўзини қўшиб айтишарди. Ана ўша одам ахйири бориб, ростдан ҳам жинни бўлиб қолди!

Қиссадан ҳисса шуки, азизлар, келинлар, яхши ният қилайлик, яхши ният ҳамиша йўлдошимиз бўлсин!

Ш. ЭРГАШ ўғли

МУҲАММАДХОН БАНКДА...

(Ёзувчи Саид АҲМАДга ўхшатма)

Мани танияписизларми, ҳа, ўша Муҳаммадхонларми. Телевизорда чиқиб турардим-ку, нахотки танимаётган бўлсаларинг? Қизлар бригадасининг табелчиси...

Хуллас, ўша бригада тарқаб кетгандан сўнг ишламаган жойим ҳам қолмади, ҳисоб. Боғчада энага, аёллар ҳаммомида паттаци, ҳе-ҳе, санаб саногига ета олмайсиз. Москвада елвизак бўлса, бизда довул бўларди. Хайрият, мустақиллик қўши бизнинг ҳам елкамизга тегиб, ҳозир банкда ишляпман. Ким бўлиб дейсизми, кассада, ии... ии. инсекатор, йўқ-йўқ, инкассатор. Кассада фақат қизлар ишлар экан, менга шундай лавозимни топиб беришди, раҳмат оповеси. Ишларим ёмон эмас, хурупаривашлар орасида юргандан кейин ёмон бўлармиди.

Аммо баъзи-баъзида қизлар бригадасини эслаб қўяман. Ох, ўша дамлар. Кенг дала, иссиқ ҳаво. Қизлар иссиқдан терлашиб, қўйлаклари билан шалоплаб сувга ўзларини отганди, вой томоша бўларди,

вой томоша бўларди. Сувдан чиққандан кейин сув париси шу бўлса керак-да деб ўйлардим. Ҳамма нарса «жой-жойида» кўриниб турарди. «Ностоящий мокрий»дан қўйлак шунақа бўлса керакда?

Мени кўрганларим ҳаммаси ҳолва экан, шаҳардаги қизларнинг либосларини айтмайсизми, либосларини. Қўйлак десанг ёқа йўқ, лозим десанг жияк йўқ, майка десанг майкамас, ичқўйлакка ўхшамас.

Ўргулайлар, хуллас, ҳозир банкдаман. Бу ер ҳам ёмон эмас. Йигит кишига (шундай дейишга тилим бормаиди) етмиш хунар оз дегандек, бу хунарни ҳам ўрганиб қўйя, керак бўлар дедимда, оповеси.

Банкда ҳам иссиқ бўлар экан, кондиционеримиз ишламай қолганда, шунақа ҳам қизиб кетдики, асти қўяверасиз. Ҳамма ечиниб олди, мен ҳам, менда битта нарса, уларда ортиқчаси билан икитадан нарса қолди. Биров кўради дейсизми? Йўқ, бизни ҳеч ким кўрмайди. Тугмачадек тишиқдан нима ҳам кўринарди. Аммо биз уларни

ипидан игнасигача кўра-ми...

Қизлар шайтонда, мени кўрса, қижир-қижир кулишади. Нимагақилигини туншунмапман. Бошлиғимиз ҳам бетга чопарда, бир кунни «восмёрка»га ўхшамасдан шимингни кийсанг бўлмайди, деганда туншунибман қизлар нега кулишганини...

Байрамларда мени кўруқ қолдиришмайди, 8-март арафасида ҳамма бўлимимиздаги қиз-жувонларни, шу жумладан мени ҳам сийнабанд билан мукофотлашди.

Банк омон бўлса, худо хоҳласа шу ердан нафақага чиқмоқчиман.

Вой, ман ўлай, гапга тушиб кетибман, келиннингиз вақтироқ келиб овқат тайёрланг, дугоналар билан келамиз деган эдилар, вой, ман ўлай. Бўпти, айланайлаар, кўришгунча...

Муҳаммадхоннинг сўзларини Муҳаммадали ТУРҒУНОВ қоғозга туширди

•Мерос

Лукмони ХАКИМ

ТАБОБАТ ҲАҚИДА

Жинсий қуввати заифлашган эркак саримсоқ, думба ёғ ва сут аралашган қайнатма ичсин. Бу қайнатма тандаги бошқа иллатларни, масалан, бодни ҳам ҳайдайди.

Пиёз билан қовурилган гўшт эркаклик қувватини тиклайди, боддан халос қилади.

Анжир истеъмол қилиш жинсий қувватни оширади.

Саримсоқ хомлигига ейилса, ошқозон кўртини ўлдиради.

Асалга омухта қилинган турп уруғи ошқозон касалликларига қор қилади.

Атиргул мойига омухта қилинган исирикдан муайян миқдор ичган киши ошқозон кўртларидан халос бўлади.


Агар киши кўнгил айнишидан қўйналса, аввалдан шакар сепиб қўйилган яллиз баргини есин. Яллиз истеъмол этиш танани балғамдан фориг қилади.

Овқатга тоғ яллизини қўп ишлатадиган одамнинг ошқозони бақувват, ўзи кучли бўлади, ҳеч қачон зардага учрамайди. «Ҳаром қон» қўпайиши, деган дарддан қўйналмайди.

Наҳорда оч қоринга озгина исирик ейдиган ҳар бир киши жигар хасталиклари, истиско, ичак яллиғланиши, қорин дамлаш, балғам ва бавосидан фориг юради.

•Бўш вақтларда

БОШҚОТИРМА



1. Ўлчаш асбоби.
2. Алоқа воситаси.
3. Уяли телефон корхонаси.
4. Ярим ўтказгичларда ишлатиладиган кимёвий элемент.
5. Тебраниш контури даврининг ҳисоблаш формуласини ихтиро қилган олим.
6. Фотонларнинг ажралиш ҳодисаси.
7. ТЭАИДа кўп йиллар ректорлик қилган инсон.
8. ЭҲМларда ишлатиладиган алгоритм тил.
9. Электрон асбоблар ишлаши учун яратилган шароит.
10. Акциялардан олинадиган даромад.
11. Алоқачилар гозетасининг номи.

• Сўзлар тўғри топилса ўртада ўлчов бирлигининг номи келиб чиқади.

Тузувчи М. НАЗИРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖУРАБОВ Шўҳрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёкубжон ХУҲАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриuvo АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ

Саидаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АҚБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-01093. 15061 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 30

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00 «Хафтанома»... 8.30 «Дилрабо тароналар»... 8.55 «Узлик». Бадий-публицистик курсатув.

19.55 «Муслик мейхонхона»... 20.30 «Ахборот»... 21.00 Шарқ эстрадаси... 21.20 Кундалик...

ЧОРШАНБА, 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00 «8.25 «Ахборот»... 8.25 «Гриншан» шўх ялларлар... 9.00 «Слимгадиллар ораминда»...

18.00 Курсатувлар дастури... 18.05 «Даракчи» (рус тилида)... 18.15 «Ерилош». Мульттуплам...

ПАННОМА, 2

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00 «8.25 «Ахборот»... 8.25 «Гриншан» шўх ялларлар... 9.00 «Слимгадиллар ораминда»...

СЕШАНБА, 31

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.25 «Ахборот»... 8.25 Республика газеталарининг шарҳи... 8.40 «Қалбим наволири». Муслик дастури...

ЖУМА, 3

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.25 «Ахборот»... 8.25 «Қўшиқ санъати ва давр»... 8.55 «Юзма-юз»...



10.05 «Йонсон ва замин». Тележурнал... 10.30 «Янги алифбони ўрганамиз»... 11.00 «Спортчилар сулоласи»...

ШАНБА, 4

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.25 «Ахборот»... 8.25 Республика газеталарининг шарҳи... 8.40 «Муслик бўстони»...

19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар... 19.30 «Ахборот» (рус тилида)... 19.55 «Такдим»...

ЯКШАНБА, 5

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00 — 8.25 «Ахборот»... 8.25 «Қамалак». Болалар учун кинодастури...

ДУШАНБА, 30

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.25 «Ахборот»... 8.25 Республика газеталарининг шарҳи... 8.40 «Муслик бўстони»...

10.00 «Спектаклдан сўнг»... 10.20 Эълонлар... 10.25 «Шанба эртаги»... 11.35 «Ассалом, Франция!»...

ШАНБА, 4

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.25 «Ахборот»... 8.25 Республика газеталарининг шарҳи... 8.40 «Муслик бўстони»...

ЖУМА, 3

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.25 «Ахборот»... 8.25 Республика газеталарининг шарҳи... 8.40 «Муслик бўстони»...

ПАННОМА, 2

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.25 «Ахборот»... 8.25 Республика газеталарининг шарҳи... 8.40 «Муслик бўстони»...

Vertical text on the right edge of the page, likely a page number or reference.